

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ИНФОРМАЦИОННО-РЕСУРСНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ  
ВЫСШЕГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В  
УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ:  
ОПЫТ, РЕЗУЛЬТАТЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

**СБОРНИК ДОКЛАДОВ И ТЕЗИСОВ  
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ**

**г. Ташкент  
Республика Узбекистан  
5 ноября 2009 года**

**Ташкент-2009**

178  
441  
Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник докладов и тезисов международной научно-практической конференции. Т.: Экономика, 2009. – 302 с.

Руководитель  
Оргкомитета и научный консультант  
профессор Б.Ю.Ходиев

Редакционная

коллегия: Бекмуратов А.Ш., Махмудов Н.М., Балтабаев М.Р.,  
Ахунова Г.Н., Холмуминов Ш.Р, Голиш Л.В.,  
Мустафакулов Ш.И., Малашина Г.И., Каттаев Н.Т.

Международная научно-практическая конференция на тему “Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы” посвящена одной из актуальных проблем современного этапа развития высшего образования.

Рассматриваются актуальные вопросы экономического образования как важнейшего составляющего и движущего процессом модернизации экономики в условиях мирового финансово-экономического кризиса, а также основные направления интеграции вузовского образования, науки и реальной экономической практики как неотъемлемого источника информационно-ресурсного обеспечения высшего образования.

Материалы конференции адресованы руководителям административных и академических структур вузов, преподавателям, студентам и научным работникам, а также специалистам в области образования и научных исследований.

17-16

834293  
TDIU  
kutubxonasi CEO

ISBN 978-9943-333-15-4

© Ташкентский государственный  
экономический университет, 2009.  
© Иктисодиёт, 2009.

30. Шерматова М.А. Иқтисодиётда таълим самарадорлигини ошириш йўллари 111
31. Абдукадырова Д.Т., Рахимова Ф.Х., Жамолов Х.Т. Классификация информационных систем по признаку структурированности задач 114
32. Жебрак С. М. Информационное реформирование образования с учётом требований информационного общества 117
33. Пулатова К.А., Данияров Н. Информация как основополагающий ресурс интеллектуального обеспечения общества 118
34. Ходжаева Н.А. Особенности организации транспортной деятельности в туризме с использованием человеческого потенциала 125
35. Эргашев Қ, Ҳайдаров З. Иқтисодий таълим: зарурати ва аҳамияти 127
36. Жуковская И.Е. К вопросу о роли информационно-коммуникационных технологий в экономическом образовании 132
37. Кувнақов Х. Қ. Таълим беришнинг илғор технологиялардан фойдаланиш олий таълимни юксалтиришдаги аҳамияти 135
38. Файзуллаев. З. Квалифицированные кадры как фактор улучшения сервисной культуры в дипломатическом сервисе 136
39. Тўраев А. Н. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида бухгалтер-аудит мутахассисларни тайёрлаш 138
40. Зайнутдинов Ш.Н. Эффективность инновационного развития в ВУЗЕ 141
41. Asadullina N. Development of market infrastructure of innovation activity in Uzbekistan 143
42. Karieva G. Integration of the scientific-innovation complex in Uzbekistan and in CIS countries 145
43. Шаймардонов Ж. Хомидов Н. Ўзбекистон таълим тизимида инновацияни жорий қилиш рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг асосий омилдир (Германия тажрибаси) 147
44. Алимов К.А. Современные подходы в повышении качества обучения 150
45. Абдурахимова С.А. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестицияни макроеқтисодий тартибга солиш усулларининг таълим жараёнида ўқитилиши 154
46. Кабулов А.А. Модернизация развития государственного образования в магистратуре филиала РЭА 156

80.	Норчаев А.	Туризм соҳасида кадрларни профессионал тайёрлаш ва уларни бошқаришни такомиллаштириш	2
81.	Хамидов О.Х.	О роли дистанционного обучения в туристском образовании	2
82.	Эргашева Ш.Т.	Педагогический менеджмент в высшем экономическом образовании	2
83.	Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В.	Олий таълимни модернизациялаш шароитида иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услубиятини такомиллаштириш масалалари	2
84.	Шорахметов Ш.	Иқтисодий таълимда математика	2
85.	Иванова С.Б. Балтаева Л.Р.	Использование синергии как нового методологического подхода в высшем образовании для подготовки современных экономистов	2
86.	Курбанов И.Х.	Особенность образовательного маркетинга в удовлетворении потребностей личности	25
87.	Шомуротова Н. Н. Тошпўлатова Ф.Н.	Таълим технологиясининг психологик имкониятлари	25
88.	Камилов З.К.	Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатишни такомиллаштиришда ахборот технологияларининг аҳамияти	25
89.	Мирзаев О. , Отажонов Ш.	Инвестиция жалб қилинган саноат корхоналарининг самарадорлигини оширишда таълим тизимининг аҳамияти	25
90.	Хасанова Л. Г., Садиков Т.Б.	Информационно - ресурсное обеспечение развития туризма	26
91.	Рискулаева Ю. А.	Иқтисодий таълим тизимида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг аҳамияти	26

## 5- СЕКЦИЯ

92.	Якубов И.О.	Магистратура босқичида замонавий баланс тизимлари фанини ўқитиш услубиятини такомиллаштириш	26
93.	Салимов Б.Т., Мустафакулов Ш.И. Хомидов Н.Н.	Иқтисодий таълим самарадорлигини оширишда талаба ёшларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари.	27
94.	Мухтаров А.	Роль инновационной технологии «Кейс-стади» в подготовке современных специалистов в сфере высшего экономического образования	27
95.	Qosimova M.S. Egamberdiev B.B. Yuldasheva M.	Using Relevant Technologies and Innovative Approaches in Education	275
96.	Курбанов Ж. И.	Роль человеческого фактора в повышении эффективности производства и мотивация	277

information systems, such as: legal, normative-reference and scientific information; comparative information on different types of market; analytical information on basic markets; information support of promotion of goods on the market.

Ж. Шаймардонов  
Н. Хомидов  
ТДИУ

Ўзбекистон таълим тизимига инновацияни жорий қилиш -  
рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг асосий омилдир  
(Германия тажрибаси)

“Бизнинг олдимизда озод фуқаро шахсининг маънавияти, бошқача танда, озод, ҳар томонлама ривожланган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, иш ва қобилиятига ишониб таянадиган, атрофдаги ҳодисаларга ўз мустақил фикри ва муносабати мавжуд, ўз манфаатларини ватан ва халқ манфаати билан мувофиқлаштирадиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди”, - деб таъкидлаганди президентимиз И.А.Каримов. Дарҳақиқат, айти пайтда ўз манфаатини ватан манфаати билан бирга қўядиган ёш кадрларни тайёрлаш олдимиздаги асосий вазифалардандир.

Бунинг учун биз биринчи навбатда таълим тизимини янада ривожлантириб олишимиз зарур. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, таълим жараёнини амалиёт билан бирга олиб бориш малакали кадрларни тайёрлашнинг энг асосий омилга айланган. Илмий тадқиқот ишлари ва инновацияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илмий ишларга турли шартларни ажратиш орқали ўз иқтисодий ривожланишини жадаллаштирмоқда. Бундан ташқари, Германия ва АҚШ тажрибаси буни яққол исботлаб турибди.

Инновация таълимида таълим жараёнида илғор илмий ишларни ичига олиш, келажакдаги инновацияларни ўз илмий мансабида амалга ошириш қобилиятига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш имконини беришни мақсад қилиб олган.

Инновация таълими дастурлари. Бу дастур айти пайтдаги фан ва технологиянинг алоҳида олинган соҳасида энг долзарб ишларни ўз ичига олган, бунингдек мутахассисларни тайёрлаш, фақатгина фан ва таълим натижаларини таъминлаштириш бўлиб қолмай, балки уларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш каби мақсадларни олдига қўйган ўқув курсларига тизимли шартловлар таклиф қилади.

Германия ва АҚШда танлов фан ва ишлаб чиқариш соҳасининг инновация тармоғида улар лидерлик ўрнида қатъий турибди. Германияда илм-фан ва технология соҳаси билан банд бўлганлар сони 250 минг кишига ошди; 2005 йилнинг ўзида 23800та патентларни қўлга киритди ва бу натижа Европада иккинчи ўринда турувчи Францияга қараганда 3 марта кўпдир. Ҳозирги пайтда Германия олимлари дунё патентларининг 18%ига эгаллик қилмоқда; бу кўрсаткич бўйича Германия фақат АҚШдан орқада қолмоқда.

Илғор мамлакатлар саноатлашувдан кейинги тараққиёт даврига ўтиб олди, бу катта илмталаб ишлаб чиқариш фақатгина ресурс баъзаси ва «А» саноат

гуруҳи ҳисобига эмас, балки ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва инновация ҳисобига иқтисодий ҳуқумронлик имконияти уларнинг принциплари хусусиятларидир.

Немис иш ва бандлик хизмати маълумотларига кўра, Германияда 1995 йил билан солиштирилганда 2010 йилга келиб, ишлаб чиқариш соҳасида бандлик ўртача 30 %дан 25 %гача пасаяди. Агар ташкилот ва хизматлар ишлаб чиқариши тармоғида амалий жиҳатдан ўзгаришларга дуч келмаса, унда «иккиламчи ташкилотлар» (тадқиқот ишлари, маориф ва таълим, менежмент ва консалтинг) 26 дан 31,6 %га ўсади.

Ишлаб чиқариш тараққиётининг ҳозирги суръатлари (XX асрнинг 90 йиллардаги илмий ихтиролар ва унинг саноатда оммавий фойдаланиши орасидаги вақтинчалик интервал 60-йиллар билан солиштирилганда камида 2,5 марта қисқарган) таълимда янги ғоя ва технологияларни ўз ичига олган юқори суръатли таълим тизимини талаб қилмоқда (битирувчиларни иш жойларида тизимли қайта таълим бериш жараёни инновация пойгаси суръатларини ушлаб қолиш имконини бермайди. Бундай шароитда, охириги йилларда ихтиролар соҳасида АҚШ ва Германиянинг лидерлиги бу мамлакатларнинг инновация таълимидан дарак беради).

Бугунги кунда инновациянинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро бирикиши аҳамиятли инновацион йўналишларида алоҳида имтиёزلарнинг ўсиши, мавжуд юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамиятлилиги, юқори инновация салоҳиятига эгаллик миллий хўжаликнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашнинг энг яхши йўли эканлигини олдиндан белгилаб берди. Кўрсатилган йўналишларда янги технологияларни жорий этиш албатта инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларига таъсир қилади, шунингдек юқори даражада истеъмол талаби ва давлатнинг қўллаб-қувватлашини шарт қилиб қўяди.

Айни пайтда, дунёда илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг тахминан 50 та аниқ маҳсулот турини яратишда ўзини берилган параметрлар бўйича, НИОКР ни ўз ичига олган ҳолда, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, хизмат кўрсатиш жиҳатдан лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш каби охириги технологиялар занжири кўринишида намоён қилаётган макротехнологиялар ҳисобига таъминланмоқда. Буларнинг 22 тасини АҚШ, 8-10 тасини Германия, 7 тасини Япония, 3-5 тасини Буюк Британия ва Франция назорат қилмоқда.

Германияда асосий муаммо ўқув курсларини солиштириш, таълим дастурлари ва институтларнинг сифатини ошириш, шунингдек таълим таклифларини мукаммаллаштиришдан иборат. Бу муаммоларни ечиш билан аккредитация бўйича кенгаш ва Фонд шугулланади. Кенгашга ОЎЮ вакиллари, ишчилар, талабалар, халқаро таълим бўйича экспертлар ва давлат амалдорлари жалб қилинади.

Уларнинг вазифаси юридик қонун актларига таълим соҳасида шарҳлар беришдир. Фонд таркибига фақат “Германиянинг олий ўқув юртлари ректорлари конференцияси” ташкилоти ва ОЎЮнинг вакиллари киради. Фонднинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Германияда таълим сифатларини солиштирма умумтузилмавий шароитларини тузиш;

- лицензия бериш ва фаолиятни назорат қилиш;
- Европада таълимни уйғунлаштириш, Германия ОЎЮнинг халқаро ҳамкорлигини ошириш;
- Германия фуқаролари учун юқори сифатли таълим олиш тенглиги шароитларини яратиш.

Германияда бепул таълим фақатгина ГФР фуқаролари учун эмас, балки бир қатор мамлакатларнинг фуқаролари ҳам ўз юртларининг ОЎЮда камида 2 йиллик муваффақиятли таълимдан сўнг немис тилида эркин сўзлаша оладиган даражага чиққандан кейин ушбу тилда имтиҳонларни топшира олган фуқаролар Германияда бепул таълим олишлари мумкин. Таълимни молиялаштириш оғирлиги асосан давлат зиммасига тушади. Лиссабондаги баённомага биноан мамлакат иштирокчилари таълим ва тадқиқотларга ЯИМнинг 3 %дан кам бўлмаган қисмини сарфлашни ўз зиммасига олдилар.

Нима учун бу тизим инновация учун ўқув жараёнида ижобий молиялаштирилмоқда. Жавоб оддий – ОЎЮдан олимларнинг илмий ишларини жалб қилиш, уларнинг ўқув курсларини мамнуният билан ўз ичига олади. Давлатнинг мавжуд назорат тизими (аввало, аккредитация механизми) бу жараёнда тўхтамайди.

Германия ОЎЮ таълим жараёнида инновация шароитларини молиялаштириш ва ташкил қилиш характери. Инновация таълими дастури бу таълимдаги инновацион айсберг чўққисидир. Улар қуйидагиларда содаланади:

- бакалаврларга таълим бериш жараёнида инновацион жиҳатларни ўз ичига олувчи курсларнинг мавжудлиги;
- ихтисосликларга доимий равишда инновацион мавзу ва технологияларни киритиб бориш;
- инновация курсларини қайта ишлаш.

Германиянинг етакчи ОЎЮида мустақил ишлаш жараёни аудиторияга қараганда оғирроқ ва тахминан 1:2, 1:3 муносабатда. Бу нарса хафталик 3-60 соатлик босимнинг 16-26 соати аудитория машгулотларига тўғри келади.

Талабаларни мустақил ишлашга уларнинг шахсий мотивациясидан ташқари мунтазам равишда ёзма ишлар ўтказиш орқали туртки бериб турилади. Улар қуйидагилар:

- доимий равишда талабаларнинг уйга вазифаларини бажаришини назорат қилиб бориш, шунингдек имтихон баҳоларини акс эттириб бориш;
- мунтазам равишда ўқув манбаларини ўрганиш, имтихон топшириш учун қўвчиларни қўллаш ва дарсликлардан ташқари матбуотдаги нашрларни ҳам кузатиб бориш;
- талабалар гуруҳларида рақобатни ташкил қилиш.

Германияда рейтинг тизимини ҳамма қабул қилмаган. Ўқитувчиларнинг талабларини қўриқиб олишлари кўп вақтни олади, шунинг учун талабаларларга бутун семестр давомида ўзларини кўрсатиш учун кўп вақт ва имконият берилмайди. Баҳоларнинг нотўғри тақсимланишига йўл қўйилмайди, яъни баҳо талабанинг

билими сифатига қўйилади унинг баҳоси бошқа талабаларнинг баҳосига боғлиқ эмас.

Курс бўйича курснинг ҳамма материалларини камраб олган тахминан 20-25 та саволлар берилади. Уша саволлар бўйича талабалар битта мавзунини кўплаб манбаларни жалб қилган ҳолда (ўқитувчи кўрсатмаганларини ҳам) мустақил тадқиқ қилиб борадилар. Ҳар ҳафта имтиҳонгача талаба мустақил ўрганганларини ёзма равишда текшириш учун топшириб боради. Қолган саволлар бўйича талаба фақат саволларга етарли даражада жавоб бериш учун берилган адабиётларни курсни ўзлаштириш доирасида тайёргарлик кўриши лозим.

Ўқитувчи, тадқиқот лойиҳасини баҳолашда, талаба танлаган мавзу бўйича материалларни чуқур ўзлаштирганлигини текшириш, стандарт бўлмаган фикрларни муҳокама қилади. Иккинчи савол – бошқа мавзулардан бўлиб, назорат стандартини бўйича фан, қобилият ва ҳаллоликни текширади. Булар бакалавр босқичидан бошлаб, инновацияни ўз ичига олган курслар, илмий ишлар билан шугулланиш имконини беради. Бу аудитория соатларини тежаш имконини бериб, ўқитувчининг ҳам бу мавзу бўйича билими чуқурлашишига олиб келади.

Германия Ўзбекистонни ўзининг стратегик ҳамкори сифатида тан олади. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа кўплаб соҳаларда мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Ўйлаймизки, таълим соҳасида, айниқса инновацияни жорий қилиш борасида ҳамкорликни янада ривожлантириш мамлакатимизда етук, малакали, ижодкор кадрларни иқтисодиётимизга тайёрлаб беришда катта ёрдам беради. Бу нарса ҳозирги пайтда ҳали ҳам долзарблигича қолаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбир сифатида ва инқироздан кейинги рақобатбардош, барқарор иқтисодиётни барпо этиш учун зарур бўлади.

Проф. К.А. Алимов,  
ТГЭУ

### Современные подходы в повышении качества обучения

Возросший поток информации, в том числе и в процессе массового обучения, требует создания достаточно сильного информационного напряжения для того, чтобы человек осуществлял перестройку модели общества. Добиться этого старыми методами (раздельное проведение лекций, практических и лабораторных занятий, объяснение на пальцах и с мелом в руках) удается относительно редко как в силу низкой мотивации обучения, так и из-за необходимости массового его проведения.

Внедрение средств компьютерной технологии позволяет частично решить эти вопросы как с точки зрения массовости, так и с точки зрения индивидуального подхода к каждому обучающемуся, и сопровождается изменением устоявшихся подходов к обучению. Такие возможности компьютеров, как легкость написания и корректировки написанного



### Иқтисодий таълим самарадорлигини оширишда талаба ёшларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди.

Маълумки, узлуксиз ва узвийлик таълим тизимида ортиқча такрорийликка чек қўйиб, энг аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий–техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув – тарбия жараёнига кириб келиши оқибатида, шунингдек ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилди<sup>28</sup>.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб талаба (ёки ўқувчи)нинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига қизиқишни кучайтириш, касбий билимларини фаоллигини оширишдан иборатдир. Иқтисодий таълимда педагогика тажрибаси, замонавий педагогик технологияларининг талаба (ёки ўқувчи)ларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишда имконияти чексиз эканлиги тасдиқланмоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун–сайин ошиб бораётган ахборот–таълим муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик

<sup>28</sup> Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог – ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: Истеъдод, 2008. 180 б.

технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машгулотларни ташкил этишда фойдаланиш қондаларини биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва олган билимларини ўқув – тарбиявий машгулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш лозим.

Ҳозирги жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози ҳукм сураётган даврада, унинг таъсирини пасайтириш мақсадида “Инқирозга қарши чоралар дастури” асосида амалга оширилаётган пухта ўйланган ижтимоий – иқтисодий сиёсат натижасида республикамиз иқтисодиётида сезиларли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, “... ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир”<sup>29</sup>.

Бунинг учун биз ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз, унинг рақобатбардошлигини оширишимиз ҳамда жаҳон стандартлари даражасига жавоб берадиган ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз учун кучли, малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизими самарадорлигини оширишимиз лозим, деб ўйлаймиз. Республикамиз олий ўқув юртларидаги иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда талаба–ёшларни иқтисодий қонун ва қонуниятларни, жаҳондаги иқтисодий вазиятлар, инвестицион жараёнлар, уларни замон талабига жавоб берадиган йўл ва воситаларини таҳлил қила олиш салоҳиятларини кучайтиришимиз, малака ва кўникмаларини шакллантиришимиз бугунги тезкор воқеликнинг талабидир.

Иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш орқали мамлакатимиз келажагига хизмат қилувчи етук мутахассисларнинг сонини ошиб бориши ва ҳар бир мутахассиснинг иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшиши натижасида Республика иқтисодиётининг тараққий этиши ва бунинг оқибатида жамият фаровонлигининг юксалиши таъминланади.

Иқтисодий таълимни такомиллаштириш учун бизнингча қуйидаги қарашларга эътибор қаратиш лозим.

Авваламбор, иқтисодчиларни етук мутахассис бўлиб етишишлари учун уларнинг илмий тадқиқот ишлари билан шугулланишларида ахборот – ресурс таъминотини янада ривожлантириш зарур. Чунки иқтисодий тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқадиган натижаларни аниқ ва равшан баён этиш учун воқеликни аниқ сабабий боғлиқликда таҳлил этиш, ҳозирги ҳолат кўрсаткичлари билан таққослаган ҳолда, хулосалар ясаш аҳамият касб этади. Шунда тадқиқотнинг амалиётга яқинлиги ошади ҳамда унинг татбиқ этилиши натижасида самарадорликнинг ошиши вужудга келади.

Иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш мақсадида таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада фаоллаштириш, талабалар

<sup>29</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 2 -б.

қизиқишларини уйғотиш мақсадида турли тренинглار ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Тренинглар олиб боришнинг энг қулай томони бу тренинг жараёнида ўқитишнинг турли интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда талабани илм олиш ва изланишга қизиқишини уйғотиш имконияти юқорилиги ҳисобланади. Талабаларда таълим олиш жараёнига қизиқиш уйғотиш орқали илмли, юқори савияси мутахассислар бўлиб етишишга иштиёқини кучайтириш мумкин бўлади. Яхши устоз факатгина билим беришга эмас, балки илм толибларини илм олишга қизиқишларини ошириш билан ҳам ажралиб туради.

ТДИУ томонидан тўрт йилдан бери ташкил этилиб келинаётган "Биринчи курс мактаби" семинар - тренинги бунинг яққол мисолидир. Биринчи курсга қабул қилинган талабалар учун бу каби тренингларни ташкил этишдан асосий мақсад - иштирокчиларда аудитория ва аудиториядан ташқари машгулотларда умумий ўқув кўникмалар ва мустақил фаолият малакаларини шакллантириш, жумладан:

- университет ахборот-ресурс марказида зарурий ахборотларни кидириб топиш;

- илмий адабиётни ўқиш;

- ёзма шаклда етказиладиган ахборотни излаш;

- оғзаки шаклдаги ахборотни етказиш;

- тахлилий ахборотларни кўргазмали тақдим этиш;

- ҳамкорликда ишлаш;

- муаммоли ва амалий вазиятларни таҳлил қилиш, ўқув топшириқларини ноанъанавий ечиш йўллариини топиш, гоёларни ишлаш ва худосалар қабул қилишга ўргатади.

Бу тренинглардан иштирокчилар умумий ўқув кўникмалари ва мустақил фаолият малакаларини эгаллаш натижасида: университет ресурс марказида ахборотларни кидириб топиш малакаларига эга бўладилар; илмий адабиётларни ўқиш ва ахборотни белгилаш малакаларига эга бўладилар. Мустақил фаолият натижаларини: режа, конспект, асосли эссе, рефератларни белгиланган талабга мувофиқ ёзма тақдим этиш йўли ва воситаларини эгалладилар. Мустақил фаолият натижаларини оғзаки тақдим этиш: маъруза ва сўзга чиқиш вақтида шу билан бирга ўқув топшириқларини бажариш натижалари бўйича тақдимотда, ўзини ишончли тутиш, турли кўргазма воситаларидан фойдаланишнинг йўл ва воситаларини ўрганадилар. Тахлилий ахборотларни кўргазмали тақдим этиш: ахборотни таркиблаштириш ва таркибга бўлиш, таҳлил этиш ва таққослаш бўйича, ўрганилаётган тушунчалар (юзага келиш, ҳодиса, мавзу ва б.) ўртасидаги алоқа ва ўзаро алоқани ўрнатиш, муаммони ечишни режалаштиришда: кластер, тоифалаш ва концептуал жадвал, «Венна» диаграммаси, «Нима учун?», «Балиқ скелети», «Қандай?», «Погона (каскад)», «Пирамида», «Нилуфар гули» каби воситалардан фойдаланиш орқали ўқув топшириқларини бажаришнинг йўл ва воситаларини билиб оладилар. Ўқитувчи талабалар билан ўзаро ўқув ҳаракатининг ташаббусчиси бўлади, ўзининг нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ўзаро келишувга келадилар, суҳбатга киришадилар, саволлар берадилар, асосли жавоблар берадилар, қондага риоя қилган ҳолда баҳс олиб борадилар, мунозара-тортишувда, тўғарак стол

атрофида иштирок этадилар. Гурухли ўзаро ҳаракатга тайёргарликни-ўқув топшириқларини бажариш бўйича гурухли фаолиятни жамоавий режалаштириш, биргаликда, ҳамкорликда, иш бўйича ҳамкорий муомала ва ўзаро ҳаракат, ўзаро ёрдам ва ўзаро баҳолашни намоён қиладилар. Университет тарихи, анъаналари ҳамда талабанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таънадилар.

Ушбу тренингда олиб бориладиган машғулотлар таълим технологияларининг бешта турдаги маъруза машғулотларидан кириш, тематик, муаммоли, кўргазмали (визуаллашган), мунозарали маъруза машғулотлари билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш, чуқурлаштириш ва мустахкамлаш, эгалланган билимларини муаммоли вазифаларнинг ечимини топишда қўллаш малакаларини шакллантириш мақсадида мустақил фаолиятларини ташкил этишдан иборат.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, - «Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси – ҳаётимизнинг барча соҳаларида янгича фикрлайдиган, мураккаб дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни тарбиялаш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир»<sup>30</sup>.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишда мустақил таълимнинг алоҳида ўрни мавжуддир. Мустақил таълим, узлуксиз таълимнинг давлат миқёсидаги муҳим вазифаси сифатида қаралаётган бир пайтда, жамиятимиз босқичма-босқич ривожланишининг ҳал қилувчи томонларидан биридир. Бу кечиктириб бўлмас даражада республикамиздаги таълим муассасалари вазифасининг айрим қисмларини қайта кўриб чиқиш, шу асосда мустақил таълимни ривожлантиришни такозо этади. Таълим олувчилар мустақил таълим жараёнида олган билимлари ҳисобига бундан кейин доимо ўз савиялари, малака ва кўникмаларини мукамаллаштириб борадилар. Бундай ҳолатда мустақил таълим шахснинг ишида, ўқишида, шахсий ҳаётида ва турли соҳалардаги ҳаётини лавҳаларида ўз имкониятларини тўла амалга оширишларига ҳамда жамиятга кўпроқ фойда келтиришларига хизмат қилади. Умуман, таълим жараёнида мустақил фаолиятнинг элементларидан фойдаланиш ўқув жараёнини бойитишга, талабалар чуқур билим олишни таъминлашга, фикрлаш қобилиятини ўстириш ва кенгайтиришга ҳамда таълимнинг асосий мазмунли қисмини мустахкамлашга хизмат қилади.

Доц. А. Мухтаров  
ТГЭУ

### Роль инновационной технологии «Кейс-стади» в подготовке современных специалистов в сфере высшего экономического образования.

В условиях глобального финансово-экономического кризиса, охватившего современное постиндустриальное общество, высшее экономическое образование является важнейшим социальным ресурсом, направленным на

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқули ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.